Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 июль, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда.
№ 134 (1136)

# МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ҚИШЛОҚДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

## «ТИНЧЛИК» ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖГА ҚАРАБ ИШ ТУТАДИ

***Қизилтепадаги «Тинчлик» хусусий фирмасининг ташкил этилганлигига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ у қисқа муддат ичида МДҲ давлатларидаги бир қанча кўзга кўринган фирмалар билан ҳамкорлик қилишга улгурди.***

Фирманинг асосий иш фаолияти тумандаги мавжуд кичик корхоналар ва фирмаларда тайёрланаётган маҳсулотларни сотиш ва уларга зарур бўлганда турли хил истеъмол моллари келтиришдан иборат. Албатта, бу ишда унинг рақобатчилари ҳам йўқ эмас. Шаҳар ва туман матлубот жамиятлари шулар жумласидандир. Лекин матлуботчилар рақобатга мўртроқ экан. Сабаби матлуботчилар бўйнида отнинг калласидек, қарзлари бор. «Тинчлик» фирмасининг оборотида эса ойига салкам икки миллион сўмлик маблағ айланмоқда. Бунинг устига фирманинг 14 та дўкони аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Талаб эҳтиёжига қараб улар доимий равишда маҳсулотлар билан таъминланиб турилади.

Яқинда туман марказидаги тузукроқ таъминотчиси бўлмаган 8 та хусусий дўкон эгалари ўз ихтиёрлари билан фирма тасарруфига ўтишди. Маъмурият уларни ҳам керакли мол-маҳсулотлар билан таъминлаб туришни ўз бўйниларига олдилар. Бугунги кунда ушбу дўконларда кийим-кечаклардан тортиб аҳоли учун энг зарур бўлган кундалик халқ эҳтиёжи молларини ҳам харид қилиш мумкин.

«Тинчлик» фирмаси раҳбари Истам ака Ҳолиқуловнинг таъкидлашича, ушбу дўконларда хизмат қилаётган сотувчиларнинг ўртача маоши 800-1000 сўмни ташкил этаркан. Шунингдек, ҳар ойда харидорлар билан хушмуомалани ўринлатиб энг кўп маҳсулот сотган сотувчилар аниқланиб доимий равишда қўшимча пул мукофоти билан тақдирланиб туриларкан. Бундан ташқари фирма қошида бозорни ўрганувчи махсус гуруҳ ҳам ташкил этилган бўлиб, улар шаҳар ва туман аҳолисининг талаб эҳтиёжларини ўрганиб боришлари керак. Шунга қараб ушбу ҳудудга кераклигича мол-маҳсулот келтирилади. Бу эса ўз навбатида дўконларда маҳсулотларнинг туриб қолиши ёки тугаб қолишининг олдини олади.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, фирма жамоаси бугунги кунда нафақат тижорат ишлари билан шуғулланибгина қолмай, ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйяпти. Айни пайтда фирма қошида ёғочни қайта ишлаш цехи ишга туширилган бўлса, эндиликда Грузия билан ҳамкорликда духоба ишлаб чиқаришни режалаштираяпти.

Хайр-саховат ишлари ҳам фирма жамоаси назаридан четда қолгани йўқ. Яқинда тумандаги Ҳ. Олимжон номидаги мактабнинг таъмирлаш ишларига 4000 сўм маблағ ва етарли миқдорда бўёқ ажратди. Ундан бироз аввал эса бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ва туман ҳудудида хизмат қилаётган аскарларга совға-салом уюштирилди.

Хуллас, фирма раҳбариятининг бу борадаги режалари улкан. Энг муҳими эса жамоанинг тижорат ишлари аста-секинлик билан ишлаб чиқаришга ўтаётганлиги қувонарли ҳолдир.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Комсомолобод туманидаги «Шоҳрух» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси Туркиянинг «Политехник» фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Мазкур фирмаларнинг ўзаро келишувига асосан бугунги кунда туман марказида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сутни қайта ишлаш цехи қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.*

*СУРАТДА: янги цехлар қурилишини амалга ошираётган тумандаги «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси қурилиш прораби Отабек Матмусаев, «Политехник» фирмаси муҳандиси Андар Чубан ва «Шоҳрух» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Абдумалик Отажоновлар цехда ускуналар ўрнатиш борасида ўзаро маслаҳатлашишмоқда.*

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ПЛЕНУМИ

Самарқанд вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлди. Уни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов бошқарди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Самарқанд тиббиёт институти профессори, тиббиёт фанлари доктори Н. Ҳайитова вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб сайланди. У лавозимига кўра вилоят ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади.

Бош вазир ўринбосари — республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова пленумда сўзга чиқди.

* * *

Жиззахда вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлди. Уни вилоят ҳокими А. Тошкенбоев бошқарди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси Н. Каримова бошқа ишга ўтгани муносабати билан вазифасидан озод этилди. А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси бўлиб ишлаб келган С. Тўйчиева вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди. У лавозимига кўра вилоят ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади.

Пленумда Бош вазир ўринбосари — республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## ЕХҲТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

**4-8 июль кунлари Оттава шаҳрида ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг тўртинчи, ҳар йилги сессияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳ. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси иштирок этди.**

Сессия ишида 50 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари қатнашдилар. Очилиш маросимида парламентлар вакиллари олдида Канада Бош вазири Жан Кретьен, Канада Жамоалар палатаси ва Сенат спикерлари, Парламент Ассамблеяси Раиси Франк Свален (Бельгия) сўзга чиқдилар.

Сессия иши асосан Ассамблеянинг учта қўмитасида ўтди. Уларда хавфсизликнинг кенг қамровли тизимини вужудга келтириш, Шарқий Европа ва собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида иқтисодий шаклланишдаги тараққиёт, фуқаровий жамиятда кам сонли миллатлар интеграцияси масалалари муҳокама этилди.

Ялпи мунозараларда: Сиёсий масалалар ва хавфсизлик қўмитасида Ўзбекистон делегацияси раҳбари Э. Халилов, Иқтисодий масалалар, фан, технология ва атроф-муҳит қўмитасида депутат Э. Воҳидов, Демократия, инсон ҳуқуқлари ва инсонпарварлик масалалари қўмитасида депутат О. Олимжонов сўзга чиқдилар.

Собиқ Югославиядаги, Тоғли Қорабоғ, Чеченистондаги вазият билан боғлиқ масалалар, курдлар муаммоси, шунингдек Франциянинг ядро синовларини тиклаш қарори юзасидан мунозаралар қизғин тусда ўтди.

Ассамблеянинг якунловчи ялпи мажлисида Оттава декларацияси қабул қилинди.

Ассамблеянинг ана шу мажлисида Ассамблея Раиси ўринбосарлигига бешта бўш ўринга сайловлар бўлиб ўтди. Яширин овоз бериш натижасида беш бўш лавозимдан бирига саккиз номзод орасидан Олий Мажлис Раиси Э. Халилов сайланди.

Ўзбекистон парламент делегацияси Оттава шаҳрида бўлган вақтида Канада, Англия, Франция, Германия, Туркия, Греция, Швеция, Россия, Украина ва бошқа бир қанча давлатларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлди. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон тажрибасига, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишга, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлига юксак баҳо бердилар. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон парламенти билан икки томонлама алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканликларини изҳор этишди.

Республика делегациясининг мазкур Парламент Ассамблеяси ишидаги қатнашиши Олий Мажлиснинг Европада хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ишида муҳим роль ўйнаётган ЕХҲТ Бош Ассамблеясидек нуфузли халқаро парламент ташкилотларидан бирига қўшилиши йўлидаги муҳим тадбирлардан бири бўлди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 13 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 15,74 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 30,40 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 14 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 22,23 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,08 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 48,41 |
| 10 Бельгия франки | 10,55 |
| 1 Голландия гульдени | 19,36 |
| 10 Греция драхми | 1,34 |
| 1 Дания кронаси | 5,57 |
| 1 АҚШ доллари | 30,40 |
| 1 Миср фунти | 8,94 |
| 1 Ирландия фунти | 49,66 |
| 1 Исландия кронаси | 0,48 |
| 10 Испания песети | 2,53 |
| 100 Италия лираси | 1.88 |
| 1 Канада доллари | 22,43 |
| 1 Кувайт динори | 101,22 |
| 100 Ливан фунти | 1,88 |
| 1 Германия маркаси | 21,68 |
| 1 Норвегия кронаси | 4,88 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,06 |
| 1 Сингапур доллари | 21,75 |
| 1000 Туркия лираси | 0,68 |
| 1 Финляндия маркаси | 7,09 |
| 4 Франция франки | 6,24 |
| 1 Швеция кронаси | 4,22 |
| 1 Швейцария франки | 26,07 |
| 1 ЭКЮ | 40,18 |
| 10 Япония иенаси | 3,48 |
| 1000 Россия рубли | 6,71 |
| 1 Эстония кронаси | 2,75 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,21 |
| 1 Латвия лати | 59,84 |
| 1 Литва лити | 7,60 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,48 |
| 1 Молдова лейи | 6,70 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,64 |

Марказий банк 1995 йил 14 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,40 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,40 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

• *Ғалла мустақиллиги йўлида*



## ҲИСОБНИ БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

### ДАЛА БОШИДАГИ ТАДҚИҚОТ

***Жиззах чўлидаги «Зарафшон» ширкатлар уюшмаси ғаллазорларида ғайри оддий тадқиқот ўтказилди.***

Ирискул Ўрозқулов бошлиқ 10-ширкатнинг 40 гектарлик майдонида буғдойнинг «Цито-серрус» навидан мўлжалдагидан зиёд ҳосил етиштирилди. Ақл бовар қилмайди, йигирма йил бадалида пахта экилавериб, дармони қуриган майдонда биринчи марта ғалла экилишига қарамай шунчалик юқори ҳосил олинса!

Уюшма раиси Пўлат Мамарасулов билан қўлбола ҳисоб-китоб асосида бир квадрат метр жойдаги буғдой тупини, бошоқларини, ундаги донлар сонини эринмай санаймиз. 60-65 туп экин мавжуд бўлиб, ҳар тупда тахминан 5-6 тадан бошоқ, ҳар бир бошоқда ўртача 30 тадан йирик ва соғлом буғдой донлари бор экан. Ўттизтадан донни уч юз бошоққа кўпайтирсак, тўққиз минг буғдой донаси ҳосил бўлди. Унинг ҳар минг донасини қирқ граммдан ҳисобладик. Демак бир квадрат метр жойда 360 грамм ҳосил бор экан. Бу граммларни бир гектарга, яъни ўн минг квадрат-метрга кўпайтирамиз. Уч миллион олти юз минг рақами пайдо бўлади. Уни мингга бўлсак 3.600 килограммдан тўғри келади. Центнерга айлантирамиз — 36 рақами чиқади.

Хулоса: қирқ гектарлик майдон 36 центнердан ҳосил берди. Бу хўжалик тарихидаги биринчи ғалаба.

### ЖАЙДАРИ ҲИСОБ-КИТОБ

***«Истиқбол» номли ширкатлар уюшмаси ғаллакорлари бир фурсат тиним билишмайди. Бу ерда «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» деган мақолга мутлақо чек қўйилди. Уюшманинг барча аъзолари қўлига ўроқ олиб ангарга чиқди.***

Фалон вилоятда ёки туманда бир гектар ғалла ўрган одамга фалон килограммдан ғалла берилаяпти экан, деган миш-мишларга ҳам қулоқ солишга вақт йўқ. Бу «норма» хўжалик шароитидан, ички имкониятлардан келиб чиқиб белгиланди. Мисол учун, охирги натижага қараб 40 центнер ғалла олинган майдонларнинг қўлда ўрилган ҳар бир гектарига 400 килограммдан, ўттиз центнер олинган жойларда 300 килограммдан ғалла тақсимланди. Шу ўринда уюшма раиси Курбонбой Олломуродов ўзининг жайдари яъни деҳқонча ҳисоб-китобини айтиб берди:

— Бир гектар ўрган оила 300 килограммдан ўртача дон олди дейлик. Бундан 250 килограмм ун тушади. Бу билан кичик бир оилани бир йил тебратиш мумкин. Буни пулга чақадиган бўлсак, 2.5 минг сўм бўлади. Энди қаранг, уч кишилик оила кунига ўн сотихдан ғалла ўрса, йигирма кун деганда икки гектар ўради, беш минг сўмлик меҳнат ҳақига эга бўлади. Бордию, буни беш кишилик оила мисолида кўрсак, шу даврда уч тонна ғаллага эга бўларкан.

Истиқболликларнинг жайдари ҳисоб-китоби бутун туманга тарқади. Ўроққа чиққанлар сони минг нафардан ошиб кетди. Ўнта зарбдор бригада ташкил этилди. Улар кучи билан кунига эллик гектаргача майдоннинг ғалласи ўриб олиняпти. Ҳа, деган туяга мадад, деганларидек, туманнинг вилоятда учинчи ўринга чиқишида ҳам ана шу ўроқчиларнинг ҳиссалари бор.

### БАХМАЛДАН КЕЛГАН КОМБАЙНЧИЛАР

***Халқимизда «Ҳашар — элга ярашар» деган нақл бор. Бахмалда чўлдагига нисбатан ғалла 15-20 кун кеч пишади. Шуни ҳисобга олиб маҳаллий ҳокимликлар келишиб олишди.***

Зарбдор туманига ўттизта комбайн ҳашарга юборилди. Ўрим тугагач, олтмишта бўлиб Бахмалга қайтади. Иш бир ярим сменада ташкил қилинган. Ҳашарчиларнинг оилаларига етарли миқдорда ун, мой, чой, гуруч, шакар, совун етказиб берилди. Бу ерда ҳам уларга хизмат бошқача. Иссиқ овқат, чой муҳайё. Кўчма механизациялашган мавсумий чайлаларда дам олиш, овқатланиш учун шароит бор.

Тиббий, маданий, савдо хизматлари кўрсатилаяпти. Ҳашарчи — комбайнчиларнинг ўзлари кунига 150 — 200 гектар майдоннинг ғалласини ўриб беришяпти. Бу билганга катта ёрдам.

### МАҲАЛЛИЙ МУҲАНДИСЛАР КАШФИЁТИ

***Бу йил ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишга ҳар қачонгидан эътибор катта.***

Аҳоли эҳтиёжини, чорва озуқасини ўйлаб шундай қилинаяпти. Шу боис туманда 800 гектарга дон учун, уч минг гектарга силос учун маккажўхори экилиши керак. Битта ва катта муаммо кўндаланг турибди. Ғалладан бўшаган ерларни фурсат ўтказмай ҳайдаш ва қайта экиб олиш учун техника етишмайди.

«Нурафшон», «Андижон», Й. Курбонов номли ширкат уюшмаларида муҳандислар бунинг ҳам йўлини топишди. Мутахассислар фикрича ғалласи ўриб олинган майдонлардан ҳафта — ўн кун давомида нам қочмас экан. Шу боис ҳайдов трактори билан шудгорлаш шарт эмас. Чопиқ тракторига макка сеялкаси тиркалиб, тракторнинг олд қисмига оддий пахта қатор ораларига ишлов берувчи органлар, сеялка орқасидан эса жўяк олгич механизми ўрнатилиб, бир йўла ер бағри тилиниб уруғ ташланмоқда. Бу билан вақтдан ютиляпти, юзлаб тонна ёнилғи, эҳтиёт қисмлар тежаляпти...

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТАКРОРИЙ ЭКИН ЭКИЛМОҚДА

Арнасой туманидаги Бобо Файзий номли деҳқон хўжалиги ғаллазорларида ўрим-йиғим якунловчи паллага кирди. Бу ерда суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 32-33 центнердан дон ҳосили олинмоқда.

Хўжаликда ғалласи ўриб олинган майдонларни бўш қолдирмаслик мақсадида пайкаллар ҳайдалиб дарҳол такрорий экин экиляпти. Айни пайтда каттагина майдонларда ғалла ўрнига экилган пахта, маккажўхори, мош, туруп, шолғом, полиз экинлари барқ уриб ўсмоқда.

### ЎРИМ-ЙИҒИМ ҚИЗҒИН

Фориш туманидаги «Чимқўрғон» жамоа хўжалиги далаларида ғалла ўрим-йиғими зўр уюшқоқлик билан давом этмоқда. Мавжуд 5 та комбайн қувватидан унумли фойдаланилаётганлиги туфайли кунига 30-35 гектар ердаги ҳосил саранжомлаб олинаётир.

Эл ризқини қисқа муддатда нобуд қилмай ўриб-янчиб олишда илғор механизаторлардан Серик Жунусов, Сафарбой Қодиров, Абдумалик Аҳметовлар касбдошларига намуна бўлишяпти.

— Ўтган йили 826 гектар ерга барака уруғи сепгандик, — дейди хўжалик раиси Сафарбой Алимханов. — Ерларимиз лалми бўлишига қарамай ўсимликни вақтида ўғитлашга аҳамият бердик. Ёмғир оз ёққан бўлсада, бор намдан иложи борича унумли фойдаланиш чоралари кўрилди. Шунинг учун ҳам ҳосилимиз чакки бўлмади. Ҳар гектар ердан 15 центнерга етказиб дон оляпмиз.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ФАХРИЙЛАР МАРКАЗИ

***Термизда фахрийлар ташкилотлари шаҳар кенгашининг фахрийлар маркази очилди.***

Фахрийларнинг ташаббуси билан барпо этилган мевали боғ ва гулзорлар ўртасида жойлашган бу масканда уларнинг дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда тиббий пункт, жанговар шуҳрат музейи, новвойхона, чойхона ишлаб турибди. Ошхона, сартарошхона, тикувчилик цехи очилиши кўзда тутилган.

### ЯНГИ МЕВА ҚУРИТИШ ЦЕХИ



**Уч йил бурун Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа-ширкат хўжалиги аҳли 100 гектардан ортиқ майдонга мевали боғ барпо этиб, 10 турдан ортиқ мева кўчатларини ўтказган эдилар.**

**Ушбу йилда янги боғда мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Ҳозирда ғарқ пишган мевалар териб олиниб, Қарши шаҳри ва туман маркази аҳолиси дастурхонига пешма-пеш етказиб турилибди.**

**Хўжаликда мева қуритиш цехи ташкил қилинган. Етиштирилган ҳосилнинг бир қисми ана шу цехга жўнатилиб, бу ерда олтингугурт тутуни ёрдамида қуруқ мевага айлантирилмоқда.**

**СУРАТДА: янги қуритиш цехининг мудири Ҳақназар Шеров дастлабки қуритилган ўрикни йиғиштириб олмоқда.**

### ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

***Урганч тумани марказида республика «Тадбиркорбанк»нинг янги биноси ишга тушди.***

Бу мазкур банкнинг замонавий лойиҳа асосида қурилган дастлабки иншоотларидан биридир. Туманда уч юздан кўпроқ тадбиркор ва ишбилармон фаолият кўрсатяпти. Бино уларга берилган қарздан олинган фойда ҳисобидан қурилди.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

# ГЎЗАЛ ВА УЛУҒВОР МАМЛАКАТ

## Бугун — Франция Республикасининг миллий байрами куни



*Франция Республикаси Ғарбий Европадаги йирик давлат. Шимолдан Шимолий денгиз, Па-де-Кале ва Ла-Манш бўғозлари, Ғарбдан Атлантика океанининг Бискай қўлтиғи, Жанубдан Ўртаер денгизи билан ўралган. Шарқда Бельгия, Люксембург, Германия, Швейцария, Италия, Монако билан, Жанубда Испания ва Андорра билан чегарадош. Майдони 551,600 квадрат километр. Аҳолиси 57,5 миллион киши.*



Мамлакатнинг амалдаги Конституцияси 1958 йил 5 октябрдан кучга кирган. Ушбу Конституция бўйича давлат тузуми Бешинчи Республика деб аталади. Давлат бошлиғи — Президент. Умумий сайлов йўли билан етти йил муддатга сайланади. Шу йилнинг май ойида ўтказилган сайловлардан кейин бу юксак лавозимни Жак Ширак эгаллади.

Франция қадим-қадимдан ўзининг бетакрор гўзаллиги, улуғворлиги билан жаҳон аҳлини ром этиб келаётган мўъжизакор диёрдир.

Франция IX асрдаёқ мустақил давлат эди. XVI—XVII асрларда Француз миллати тўла шаклланди. Франция Ғарбий Европанинг энг кучли давлатига айланди. XVIII аср охирида бўлиб ўтган буюк француз буржуа революцияси натижасида айниқса, унинг чўққиси бўлган якобинчилар диктатураси даврида феодал-абсолютизм муносабатлари емириб ташланди. Истибдоддан сабр-косаси тўлган халқ оммаси 1789 йилнинг 14 июль куни Бастилия қалъасига ҳужум қилиб, уни қўлга олди. Ўшандан буён Францияда 14 июль миллий байрам сифатида нишонланади.

Зукко ва меҳнатсевар француз халқи инсониятнинг олға қараб ҳаракат қилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган халқдир. Унинг орасидан улуғ даҳолар, йирик алломалар, давлат арбоблари, файласуфлар, саркардалар, ёзувчи ва композиторлар етишиб чиққан. Жанна д'Арк, Наполеон, Сен-Симон, Фурье, Вольтер, Руссо, Бальзак, Гюго, Золя, Мопассанлар ана шулар жумласидандир.

Франция иқтисодиёти юксак ривожланган дунёдаги етти давлатнинг биридир. Умум миллий маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажми бўйича Франция Ғарбий мамлакатлар орасида тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу ерда миллий иқтисодиётни юксалтириш учун чет эл инвестицияларини жалб этишга катта эътибор берилмоқда. АҚШ ва Германия етакчи чет эл инвесторларидир. Сўнгги йилларда япон капитали тобора кўпроқ кириб келмоқда. Йирик давлат сектори ва умум миллий иқтисодий дастурнинг мавжудлиги мамлакат иқтисодиёти ва иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятидир.

Франция саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ, Япония, Германия, Англиядан кейин бешинчи ўринда туради. Саноатнинг етакчи тармоқлари — машинасозлик, кимё, авиакосмик, озиқ-овқат саноати, радиоэлектроника, кемасозлик ҳисобланади. Шунингдек, Франция кўп тармоқли, юқори ҳосилдор қишлоқ хўжалигига эга. Давлат эса бу соҳага ҳар жиҳатдан ёрдам бериб туради. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг 10 фоиздан камроғи банд. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мамлакат Ғарбий Европада бешинчи ўринда туради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўзини тўла таъминлайди. Мамлакатда йилига 50 миллион тоннадан ортиқ дон ҳосили олинади. Ҳосилдорлик эса ҳар гектарига 58 центнерга тўғри келади. Шунингдек, сарёғ, гўшт, пишлоқ ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси—чорвачиликдир. Франция Европада энг йирик темир йўл тармоғига эга. Мамлакатнинг 50 дан ортиқ шаҳарлари ўта тезюрар темир йўл шаҳобчалари билан боғланган. Францияда кўплаб автомобиллар ишлаб чиқарилади.

Франциянинг ташқи савдо бўйича асосий шериклари Япония ва АҚШ ҳисобланади. Айтиш керакки, мамлакатнинг ташқи савдосининг 60 фоизи Европа давлатларига тўғри келади.

Ўзбекистоннинг Франция билан алоқалари тарихий ўтмишга бориб такалади. Тиббиёт илмининг алломаси Абу Али ибн Сино ва буюк муаррих ва қомусий олим Абу Райҳон Ал-Беруний француз халқига Авиценна ва Алиборон номи билан машҳурдирлар. Уларнинг асарлари аллақачон французларнинг дил мулкига айланган. Улар Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек ва Бобур ҳаёти ва фаолияти билан ҳам яхши танишлар.

Икки халқ, икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва Франция қироли Карл VI илк қадам қўйган эди. Парижда бу икки зотнинг бир-бирларига йўллаган хатлари сақланади. Улар ҳар икки давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан шартнома тузишни режалаштирган эдилар. Бироқ соҳибқироннинг вафоти бу эзгу ниятни амалга оширишга монелик қилган эди.



Француз олимлари узоқ йиллардан буён Темур ва темурийлар даври ҳақида илмий-тадқиқот ишлари олиб борадилар. Шуниси қувончлики, Францияда «Темур ва темурийлар» жамияти тузилган. Франция халқи билан ўзбек халқи ўртасида бир-бирига ўхшалик, яқинлик томонлар жуда кўп. Буни теран илғаган Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эдилар: «Ўзбекистон Франция халқига зўр эҳтиром ва ҳурмат билан қарайди. Ўзбеклар ва французларни эзгулик, меҳмондўстлик, қувноқлик, тинчлик ва фаровонликка интилиш каби муштарак миллий хусусиятлар яқинлаштиради».

Дарҳақиқат, Франция Республикаси мустақиллигимизни биринчилардан бўлиб таниди ва 1992 йилнинг февраль ойидаёқ мамлакатимиз билан дипломатик муносабатларини ўрнатди. Ўша йилнинг июль ойида Тошкентда Франция Республикасининг элчихонаси очилди. 1993 йилнинг октябрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий давлат ташрифи билан Францияга борди. Франция давлат раҳбарлари, йирик сармоя эгалари, ишбилармонлар, оддий фуқаролар халқимиз вакилларини очиқ чеҳра билан кутиб олди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида имзоланган ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги муносабатларда янги имкониятларни очди. Ўша тарихий кунларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалиги вазирлиги билан Франциянинг «Рон-Пулек» кимё фирмаси ўртасида, республика Алоқа вазирлиги билан Франциянинг Почта ва телекоммуникация вазирлиги ўртасида амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. «Ўзбекнефтьгаз» корпорацияси «Эльф-Акитэн» фирмаси билан биргаликда Бухорода нефтни қайта ишловчи завод қуришга келишиб олинди.

Ўтган йилнинг апрель ойида Франция Республикаси Президентининг Ўзбекистонга сафари якунида икки томон учун манфаатли бўлган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Франция Республикасининг Миллат мажлиси ва Сенати доирасида «Франция — Ўзбекистон» депутатлик гуруҳлари тузилган. Франциянинг Тошкентдаги элчихонаси қошида Марказий Осиё бўйича Илмий-тадқиқот институти фаолият кўрсатиб турибди. Француз ишбилармонлари ташаббуси билан француз-ўзбек ҳамкорлиги бўйича гуруҳ тузилган. Марказий Осиё ҳудудини ядровий, кимёвий ва бактериологик қуроллардан холи зонага айлантириш учун интилаётганимизни француз раҳбар доиралари қўллаб-қувватламоқдалар.

Шуниси эътиборлики, Франция билан иқтисодий алоқаларимиз кундан-кунга мустахкамланиб бормоқда. 1994 йилда ўзаро маҳсулот айрибошлаш ҳажми 12,4 миллион АҚШ долларига етди. Биз Францияга, асосан пахта толаси ва минерал ўғитлар етказиб беряпмиз. Францияддан эса кўпроқ гербицидлар ва дастгоҳлар оламиз.

Бултур бир қатор Ўзбекистон вилоятлари ҳокимлари Францияда бўлишиб, мамлакат депортаментлари билан ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар имзолаб қайтишди.

«Ўзозиқовқат» давлат акциoнерлик концерни «Сюкден керри» фирмаси билан Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қанд-лавлаги етиштириш ҳамда шакар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳаракат қилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компанияси Франциянинг «Эр Франс» авиакомпанияси билан биргаликда Тошкент — Париж ўртасида ҳаво йўлини очди.

Тошкентда Франциянинг энг катта банклари ваколатхоналари ишлаб турибди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Креди коммерсиаль де франс», «Париба» каби ўнга яқин француз банклари билан алоқа ўрнатган.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат ассоциацияси билан «Текнип» концерни ўртасида тўқимачилик саноати корхоналарини таъмирлаш келишиб олинди. Шу мақсадлар учун француз томони 100 миллион доллар кредит беришга тайёр эканлигини билдирди. Ўзбекистон Коммунал хўжалиги вазирлиги билан «Дегремон» фирмаси ўртасида француз жамғармалари ҳисобига сув тозалагич ускуналарини ўрнатиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда. Ўзбекистонда учта қўшма корхона — «Тереза», «Биомед», «Оригейт» самарали ишлаб турибди.

Икки мамлакат ўртасида маданий ҳамкорлик ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Бултур Францияда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей нишонланган кунларда кўргазмалар ташкил этилди. Ўзбекистондан концерт гуруҳлари қатнашди.

«Франция — Ўзбекистон» жамиятининг ташаббуси билан Парижда ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш бўйича курслар ташкил этилди. Ўзбек адибларининг китоблари француз тилига ағдарилиб чоп этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда француз ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилида нашр этилмоқда. Куни кеча «Ўзбекистон» нашриётидан Франсуа Мориакнинг «Илонлар чангалида» романи чоп этилди. Бизнинг республикамизда француз тили ва адабиёти, Франция тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича «Алиякс Француз» жамияти ишлаб турибди.

Ўзбек ва француз археологлари Афросиёб қазилмалари устида самарали илмий иш олиб бормоқдалар. Францияда турли мутахассисликлар бўйича юртдошларимизнинг тажриба орттиришига имкониятлар яратилмоқда.

Француз фильмлари ҳафталиклари, турли кўриклар, кўргазмалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Республикамиз жамоатчилиги бундай тадбирларга катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда янги уфқлар очилмоқда.

Франциялик дўстларимизни, барча француз фуқароларини миллий байрам билан қизғин муборакбод қиламиз. Эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Анвар КАРИМОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*СУРАТЛАРДА: Франция манзаралари.*

---

*• Божхона бекати*

# ЎҒРИНИНГ ЮГУРГАНИ...

*Юк машинаси Андижон вилоятининг Ҳузуржа қишлоғи ҳудудидаги ўнқир-чўнқир йўллари бўйлаб чайқала-чайқала Қирғизистон томонга кетиб борарди. Кабинада ўтирган Носир Маматов эса ён-атрофга чумчуқдай тез-тез аланглаб қарар, ўзича «қойил қилаяпман», деб ғурурланиб қўяр эди. Бироқ у дарахтнинг баргида эмас, шохида юрганини Андижон вилояти божхоначилари тўхтатганда англаб етди, холос. Машина юкхонаси текширилганда, унда қонунга хилоф равишда Қирғизистонга олиб кетилаётган, Тошкент шаҳар ёғ-мой корхонасида ишлаб чиқарилган бир тоннадан ошиқроқ «пархез» маргарини борлиги аниқланди. Айни кунларда ушбу иш бўйича тўпланган ҳужжатлар юзасидан вилоят прокуратураси суриштирув ишларини олиб бормоқда.*

* * *

*Халқимизда: «Меҳмон отангдан улуғ», — деган мақол бор. Бироқ тожикистонлик А. Ғофуров эса республикамизга «меҳмон» ниқоби остида ғаразли мақсадларда келган экан. 12 май куни Сурхондарё вилояти божхона хизмати ходимлари у бошқараётган давлат номер белгиси 51-87 ТДЛ «ГАЗ-53» русумли автоуловни назоратдан ўтказганларида, «меҳмон»нинг ранги оқарди. Маълум бўлишича, у ҳеч қандай ҳужжатларсиз, 3300 литр бензинни Тожикистонга олиб кетаётган экан. Ўғри ушланди, юк эса давлат фойдасига мусодара қилинди.*

*Ушбу ҳолат юзасидан йиғилган ҳужжатлар қонунга биноан тегишли чора кўришлик учун вилоят прокуратурасига жўнатилди.*

* * *

*Қорақалпоғистонлик Тоҳир Болтаниёзов ҳам осон пул топиш пайига тушди. У шу мақсадда аҳолидан арзонгаровга тери сотиб олди-да, Н. Байембетов бошқарувидаги давлат белгиси 52-74 КПМ ва Э. Далимбесов бошқарувидаги давлат белгиси 07-33 КПМ автоуловларини кира қилиб, Қозоғистонга йўл олди.*

*Қора мақсадда йўлга чиққанлар манзилга етмайди, дейдилар. Қорақалпоғистон Республикаси божхона хизмати ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари сохта ишбилармоннинг сафарига нуқта қўйишди. Автоуловлар текширувдан ўтказилганда, Т. Болтаниёзовнинг 1130 дона қорамол терисини четга ғайриқонуний тарзда олиб кетаётгани аниқланди. Ҳозир божхона суриштирув ишларини олиб бормоқда.*

**Абдул МЎМИН,**
**журналист.**

---

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз,
Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!



"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз:
"Тридцать Плюс"
нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.




*Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*
" АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:
*Тошкент, 700060,*
*Моварауннаҳр кўчаси, 19-уй.*
*Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70*
*Телефакс: (3712) 33-84-71*
*ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари:*
*"Ибн-Сино" дорихонаси:*
*(3712) 44-24-34, 40-44-83.*
*"Фармед" дорихонаси:*
*(3712) 47-98-90.*

"Тридцать Плюс"
- ёшлик ва соғломлик демакдир.

---

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ҲАРБИЙ МАШҚЛАР БОШЛАНДИ

***Окинава ороли яқинида Япония билан АҚШ ҳарбий кучларининг машқлари бошланди.***

10 кун давом этадиган бу машқларда Япониянинг мудофаа ва АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучларидан 50 та жанговар самолёт қатнашмоқда.

Япония миллий мудофаа бошқармаси вакилининг маълум қилишича, машқ ўтказишдан асосий мақсад турли русумдаги самолётлардан биргаликда фойдаланиш ва ҳарбий ҳаво мудофаасини янада такомиллаштиришдир.

## ЧЕГАРА БУЗАР... ЧЕГАРАЧИЛАР

***Финляндия полицияси Россиянинг икки нафар ҳарбий хизматчисини ҳибсга олди. Чегара қисми аскарлари бўлган бу ҳарбийлар Финляндия сарҳадини ноқонуний равишда бузиб ўтганлар.***

Ҳибсга олиш пайтида аскарларнинг биридан автомат тортиб олинди. Россия чегара қисмларининг биридан икки аскар рухсатсиз кетиб қолган ва Финляндияга қараб йўналган. Бу ҳақда Россия чегара қисми раҳбарияти зудлик билан Финляндия ҳукуматига хабар қилган. Айни пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

## ПИСТИРМАГА ДУЧ КЕЛИШДИ...

***Мухолифатдаги қуролли тузилмалар Тожикистоннинг Ғарм районида икки нафар милиционерни ўлдириб, яна бирини оғир жароҳатлади.***

Тожикистон Ички ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, милиционерлар жангарилар пистирмасига дуч келган. Ушбу тоғли районда бир қанча қўпорувчи гуруҳлар ҳамон ҳаракат қилмоқда.

## ҚУРОЛ-ЯРОҚЛАР ЎҒИРЛАНМОҚДА

***Хабаровск ўлкаси ҳарбий прокуратураси бир қанча ҳарбий қисмларда анчагина қурол ўғирланганини маълум қилди.***

Айни пайтда ички қўшинларга қарашли қисмларнинг бирида 50 дона автомат ва 3 дона қўл пулемёти етмаётгани сабабли тергов ишлари олиб борилмоқда. Бикин районидаги қисмдан эса 3 дона автомат ва 3 дона мерганлар фойдаланадиган милтиқ ўғирланган.

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЛАГЕРИДА... КАСАЛЛИК!

***Белгород вилоятида 71 киши ичбуруғ касали билан шифохонага ётқизилди. Уларнинг 70 нафари болалардир.***

Бу ҳақда Россия Федерацияси Фавқулодда ҳодисалар вазирлиги РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирига маълум қилди. Мазкур касаллик Шебекино шаҳридаги «Пионерская республика» соғломлаштириш лагерида тарқаган. Айни пайтда касалликнинг тарқалиш сабаблари ўрганилмоқда.

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН...

***Жаҳон банки Украинадаги Киев, Кривой-Рог ва Львов шаҳарларида жамоат транспорти қатновини яхшилаш учун 100 миллион долларга яқин кредит ажратишни режалаштирди.***

Мазкур маблағ шаҳарлардаги жамоат транспортини қайта тиклаш ва таъмирлашга, уни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга, шунингдек, Тендер асосида янги машиналар сотиб олишга хизмат қилиши керак. Лойиҳа келгуси йилнинг бошидан амалга оширилиши кўзда тутилган.



*СУРАТДА: Брюссель.*

## ВАҚТИНЧАЛИК ГУВОҲНОМА БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

***Латвия ҳукумати республика фуқароси мақомига эга бўлмаган 700 мингга яқин аҳолига шахсини тасдиқловчи вақтинчалик гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилди.***

Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавснинг баёнот беришича, мазкур гувоҳномага эга бўлган кишиларга ҳеч қандай тўсиқсиз чет элга чиқиш ҳуқуқи берилади. Минглаб одамларнинг чет эл паспортларини олишдаги қийинчиликлари ва шу масала юзасидан келиб чиққан ихтилофлар ана шундай қарор қабул қилишни тақозо этган.

---

Нефт ва газ конлари геологияси ва қидируви институти жамоаси институтнинг собиқ директори
**Соҳибжон ТОЛИПОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Нефт ва газ конлари геологияси ва қидируви институти етакчи илмий ходим Фозил Бегбоевга волидаи муҳтарамаси
**Рўзи ИЛМУРОДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг етакчи мутахассиси Н. М. Рустамовага умр йўлдоши
**Соҳибжон ТОЛИПОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси қозоқ филологияси кафедрасининг собиқ профессори филология фанлари доктори
**Маҳаш БЕКБЕРГЕНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

